



ЗООФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК – ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ (НЕМИ ТИЛИ МИСОЛИДА)

Азамов Омаджон Бурхонович

*Андижон давлат чет тиллари институти
Немис тили назаричси ва амалиёти кафедраси*

E-mail: kamronmirzo79@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада немис тилидаги зоофраземаларнинг лексик – грамматик таснифи устидаги илмий таҳлиллар ҳақида фикрлар берилди. Унда 850 га яқин иборалар грамматик критериялар бўйича ўрганиб чиқилди.

Калит сўзлар: Зоофразема, лексик – грамматик таҳлил, зубстантив, вербал, адъектив, адвербиал

Аннотация: В данной статье приводятся мысли о научном анализе лексико-грамматической классификации зоофраз в немецком языке. В нем по грамматическим критериям изучается около 850 фраз.

Ключевые слова: зоофраза, лексико-грамматический анализ, существительное, отглагольное, прилагательное, обстоятельство.

Abstract: In this article, thoughts are given on the scientific analysis of the lexical-grammatical classification of zoophrases in the German language. In it, about 850 phrases are studied according to grammatical criteria.

Key words: Zoophrase, lexical-grammatical analysis, substantive, verbal, adjectival, adverbial

Фразеологик тадқиқотларда ибораларни лексик- грамматик планда ўрганиш айти пайтда лингвистик тадқиқотларнинг диққат марказида турмоқда. Немис тилида чоп эрилган номдор луғатлардан сараланиб олинган зоофраземаларни структурал тадқиқ қилишда машхур рус тилшунос олими А.В. Кунин томонидан тақлиф этилган лексик- семантик таснифга таянишга қарор қилдик. Германистика соҳасида А. В. Куниннинг фразеологик таснифи ҳам бизга маълум, бу тасниф лексик- синтактик тамойилларга асосланган бўлиб, бу борада у фраземаларни қайси сўз туркуми асосида шакланганлигига кўра таснифлаган¹. Шу таснифга асосланган ҳолда немис тилидаги зоофраземаларни қуйидаги туркумларга бўлиб таҳлил қиламиз: **Зубстантив зоофраземалар**². Зубстантив зоофраземалар от сўз туркуми асосида шакилланиши билан бирга бошқа сўз туркумларига доир сўзлар ҳам ибора

¹ Кунин А. В. Курс фразеологии современного языка : Учебн. для ин-тов и фак. иностр. яз. / А. В. Кунин. – [2-е изд., перераб.]. – М. : 1996. – 381 с.

² Тишкина Диана Алексеевна. Фразеологически е единицы с компонентом- зоонимом в английском и русском языках: сопоставительный анализ. АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Казань- 2008. 7- б.



шакилланишида иштирок этиши мумкин, улар синтактик вазифасига кўра аниқловчи сифатида фраземанинг бош компонентини аниқлаб келади. Масалан:

- “ein alter Hase” (с.с: кекса қуён) - устаси фаранг, қари така, ишнинг кўзини биладиган инсон

- “ein toller Hecht” (с.с: ажойиб чўртандалик) - қизғин, шижоатли, жўшқин, ҳамишабахор одам

- “ein verrücktes Huhn” (с.с: ахмоқ товук) – калтафахм аёл

- “die weissen Hunde”(оқ итлар) - сувдаги тўлқинлар туфайли содир бўлган оппоқ кўпиклар

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, зоофраземалар аксарият от сўз туркуми асосида шакилланган, чунки номидан маълумки, бундай иборалар ҳайвон номлари асосида шакилланган, ҳайвон номлари эса от сўз туркуми орқали ифодаланади. Қуйидаги зубстантив иборани синтактик таҳлил қиламиз:

“eine falsche Katze” (с.с: хато мушук) - илонни ёғини ялаган аёл, маккора

Бу ерда:

Eine – ноаниқ артикл(бош келишик, женский род)

Falsche – сифат(аниқловчи вазифасида, бош келишик женский род)

Katze – от(бош келишик, женский род, бирлик)

Демак, немис тилидаги номинал зоофраземалар факт от сўз туркуми иштирокида эмас, балким от сўз туркуми атрофида гуруҳлашган бошқа гармматик категориялар ёрдамида шакилланади.

Вербал зоофраземалар. Вербал зоофраземалар асосан феъл сўз туркуми асосида шакилланади ва иборанинг марказий стерженини феъл ифодалайди, масалан: etwas gefressen haben (сўзма сўз: неманидир еб қўймоқ)- ниманидир (кимнидир) ёқтирмаслик, жини суймаслик, тоқат қилолмаслик; die Pferde scheu machen- (сўзма сўз: отларни ҳурқитмоқ) кўрқитмоқ, саросимага солмоқ, чўчитмоқ; Schwein haben- (сўзма сўз: чўчкага эга бўлмоқ) омади чопмоқ, омади кулиб боқмоқ; j-m die Gillen treiben- (сўзма сўз: кимнингдир чигирткаларини ҳайдаб юбормоқ) кимнидир ҳавойи, олди кочди фикрлардан холи қилмоқ, миясини ахмоқона фикрлардан тозаламоқ;

Адвербиал фраземалар. Адвербиал зоофраземалар таркибидаги асосий компонентларни бошқа сўз туркумига оид сўзлар белгилаши мумкин, лекин фраземанинг яхлит маъносини равиш сўз туркуми ифодалайди. Масалан: stolz wie ein Hahn- (сўзма сўз: хуроздай мағрур) ғоздай мағрур, гердайган; mit affenartiger Geschwindigkeit (сўзма сўз: маймун тезлигида)- катта тезликда; wie ein Fisch auf dem Trockenen (сўзма сўз: кўруқликда қолган балиқдай)- чорасиз, имконсиз, ёрдамга мухтож; matt wie eine Fliege (пашшадай нимжон, бехол)- нимжон, бехол, сўлжайган, сулайган; auf den Flügeln der Liebe(сўзма сўз: севги қанотида)- севгидан сармаст; aus der Froschperspektive(сўзма сўз: бақа нуқтаи назаридан)- юқоридан қараганда; wo Füchse und Hasen sich gute Nacht sagen (сўзма сўз: тулкилар ва қуёнлар бир- бирларига “хайрли тун!” дейдиган жайди)- ернинг бир бурчагида, ит топмас жойда, овлоқда.



Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, адвербиал фраземалар контекстда келганда воқеа-ходиса, иш ҳаракатнинг қай холата ва қаерда содир бўлганлигига аниқлик киритади. Шунга кўра адвербиал зоофраземалар жумлада аксарият холат ва ўрин равиши функцисини бажаради. Масалан,

Немис тилида: *sind die Männer in ihren Ausgangsuniformen nicht lächerlich? Stolz wie ein Hahn kommen sie daher, als wenn es nur auf das Äußere ankäme.*

Ўзбек тилида: *эркаклар ўзларининг парад кийимларида бироз кулгили эмасми? Ҳоздай герайиб юришади, гўёки ҳаммаси фақат ташқи кўринишга боғлиқдай.* Ушбу мисолда кўриш мумкинки, зоофразема жумлада холат равиши вазифасини бажариб келмоқда.

Немис тилида: *Sein Haus gehört schon noch zu unserem Dorf, aber es liegt weit draußen, wo sich die Füchse gute Nacht sagen.*

Ўзбек тилида: *Унинг уйи ҳам бизнинг қишлоққа қарайди, аммо у жуда узоқда, бир овлоқ жойда жойлашган.*

Мазкур келтирилган мисолда эса адвербиал фразема ўрин равиши орқали ифодаланган.

Адъектив зоофраземалар. Адъектив зоофраземаларнинг стержен компоненти сифат сўз туркумига тегишли сўз орқали ифодаланади. Масалан:

“kalt wie eine Hundeschnauze” (с.с: итнинг тумшуғидай совуқ бўлмоқ) - бепарво, парвои фалак; “glatt wie ein Aal sein”(с.с: илонбалиқдай теккиз бўлмоқ) - тутқич бермас, илоннинг ёғини ялаган; “brummig wie ein Bär”(с.с: айикдай норози) - минғир-минғир, чакаги очик, ношукур; “plump wie ein Bär”(с.с: айикдай бесўнақай) - бесўнақай, лаппос (одам); “hungrig sein wie ein Bär”(айикдай оч) – бўридай очикмоқ, қорни пиёзнинг пўстлоғи бўлмоқ

Мисоллардан кўриниб турибдики, адъектив зоофраземалар марказида “сифат” асосий маъно ташувчи компонент сифатида иштирок этиш билан бирга зоокомпонентни қиёслаш орқали эмоционал бўёқдорликни кўчайтириб берияпти. Бу каби ибораларни И.И. Чернишева, М.И. Умархўжаев каби машхур фразеолог олимлар компоратив фразеологизмлар деб ҳам аташган³.

Ўндов характериға эга бўлган зоофраземалар. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тахлилға тортилган зоофраземалар орасида ундовли зоофраземалар ҳам мавжуд ва улар жуда озчиликни ташкил этсада, ўзига хос структур боғланиш асосида шакилланган, масалан: “Zum Kuckuck!” (с.с: каккуга) - Жин урсин! Оббо!; „So ein Luder!“ (мана ўлакса!) - Ярамас! Бемаза! „Halt's Maul!“ (тумшуғингни тут!) - Унингни ўчир! Овозингни чиқарма!; „Raus aus dem Nest!“ (инингдан чик) – Тур ўрнингдан(ётоқдан)!; “so ein Ochse!” (мана хўкиз!) – Галварс! Тўнка!; “so ein Roß!”(с.с: мана от) - Ахмоқ!; “Hol's der Geier” (с.с: калхат олиб кетсин!) – Жин урсин!; „Weiß der Geier!“ (калхат билади)- Ким билсин! Худо билади!

³ Қаранг. И.И. Чернышева. Фразеология современного немецкого языка. М., 1970.; М.Э. Умархўжаев. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон- 2010



Мисоллардан кўриниб турибдики, ўндов характериға эға зоофраземалар инсоннинг теварак атрофидаги воқеа - ходисаларға бўлган ички хиссиётларини ифодалашда қўлланилади, улар аксарият ҳақорат, жаҳл, афсусланиш каби салбий кечинмаларни юзаға чиқаришда ишлатилади.

Гапға тенг зоофраземалар. Маълумки, фразеологизм тушунчасига кенг маънода таъриф берган тилшунос олимлар (В. В. Виноградов, Р. Клаппенбах, И.И. Чернышева, А.В. Кунин, М.Э. Умархўжаев в.б.) турғун суз бирикмалари қаторида мақол ва маталларни ҳам “фразеологик бирлик” термини остида таснифлаганлар. Уларни турли тилларда олиб борилган қиёсий ҳамда чоғиштирама тадқиқотларда гапға тенг фразеологик бирликлар деб номлашган. Гапға тенг зоофраземалар немис тилида кўпчиликни ташкил этсада, уларда гап структураси, замон ва гап бўлаклари боғланиши бир- бирига жуда яқин. Масалан:

“Was der Löwe nicht kann, das kann der Fuchs”(с.с: шер қилолмаган нарсани, тулки қила олади) – куч иш бермаган жайда ҳила иш берар; “wo Frösche sind, da sind auch Störche”(с.с: бақа бор жойда, лайлак ҳамбўлади) – Шувок бор жойда туёқ бор. “Den Esel erkennt man an den Ohren” (с.с: эшакни қулоқларидан танишади) – эшакни қулоқларидан, ахмоқни гапларидан ажратиш мумкин; “Was dem einen seine Eule, ist dem anderen seine Nachtigall”(с.с: кимгадир бойўғли, кимгадир булбўл) – қора қўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди; “beschossener Hase flieht vor jedem Gebüsch” (с.с: бир марта ўқ теккан қуён ҳар бўтадан қочади) – оғзи қуйган қатикни ҳам пудаб ичади.

Зоофраземаларни лексик- грамматик таҳлил қилиш натижаси ўлароқ уларнинг сонини аниқлашға ҳаракат қилдик ва таҳлил натижасига кўра немис тилида энг кўп учрайдиган зоофраземалар вербал иборалар эканлиги аниқланди ва улар 381 тани ташкил этади. Шу тариқа зубстантив зоофраземалар – 324 та, адвербиал зоофраземалар – 24 та, адъектив зоофраземалар- 38 та, ундов зоофраземалар – 22 та ва гапға тенг зоофраземалар 61 тани ташкил этади.

Фикримизға хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, зоофраземалар ҳар бир тилнинг ўзига хос экспрессив воситаси сифатида чоғиштирама планда чуқур илмий таҳлилларға мўхтождир. Уларни морфологик, синтактик, прагматик структур хусусиятларини ўрганиш келажакда кенг қамровли тадқиқот ишларини кеутмоқда.

ФАЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кунин А. В. Курс фразеологии современного языка : Учебн. для ин-тов и фак. иностр. яз. / А. В. Кунин. – [2-е изд., перераб.]. – М.:1996.
2. Тишкина Диана Алексеевна. Фразеологически е единицы с компонентом-зоонимом в английском и русском языках: сопоставительный анализ. АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Казань-2008.
3. И.И. Чернышева. Фразеология современного немецкого языка. М., 1970.;



4. 4. М.Э. Умархўжаев. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон-2010
5. DUDEN. Redewendungen. Wörterbuch der deutschen Redewendungen. Dudenverlag Berlin, 2013